

„БОБУНОМА“ АСАРИНИНГ НЕМИСЧА ТАРЖИМАЛАРИДА МИЛЛИЙ КОЛОРИТНИНГ ҚАЙТА ЯРАТИЛИШИ

Mamatova Sohiba Ergashevna

O‘zbekiston Davlat Jahon tillari universiteti, magistr

Таржима асрлар давомида ўзга халқларнинг миллий маданияти, анъана ва урф-одатлари, дунёқараши, ҳаётни идрок этиши, тафаккури ҳамда турмуш тарзи ҳақида тасаввур ҳосил қилишда ниҳоятда муҳим ўрин эгаллаб келган. Ахборот алмашинуви кенгайган, глобаллашув жараёнлари ҳаётимизга шиддат билан кириб бораётган бугунги кунда миллий адабиётни асраб-авайлаш, маънавий қадриятларни эъзозлаш ва уларни келгуси авлодларга етказиш, шунингдек, ҳақоро алоқаларни кучайтиришга алоҳида эътибор талаб этилади. Шу ўринда миллий калорит тушунчасига изоҳ бермоқчиман. Калорит сўзи латинча ”колор” , италян тилида “*kolorito*” сўзидан олинган бўлиб, “ранг”, “буёқ”, “манзара” деган маънони билдиради. Калорит тушунчаси тасвирий саънат соҳасида реал ҳаётни ҳаққоний акс эттириш учунишлатиладиган рангларнинг ўзаро мутаносиблиги тушунилади. Адабиётда эса бадиий асарнинг ўзига хос характерли хусусиятларини, яъни миллийлик, давр,маълум жойнинг ўзига хос жиатларининг ифодасини ўз ичига олади. Миллийлик-бу ҳар қайси миллатнингмаънавий ҳаёти ва моддий ҳаётидаги ўзига хосликлардир. Маънавий фаолият кишиларнинг характери, тафаккур тарзи, руҳияти, интилишлари, қилиқлари ва уларнинг юмор хусусиятларини ўз ичига олади. Моддий ҳаёт деганда биз урф-одат, расм-русм, маросимлар, кийимлар, рўзгор анжомлари, чолғу-асбоблари, пазандачилик, исмларни тушунамиз. Бадиий асарларда акс этган ана шу миллий хусусиятлар йиғидиси **миллий калорит** дейилади. Ана шу миллий калорит билан боғлиқ бўлган сўз ва атамалар **реалиялар** бошқача қилиб айтганда “миллий хос сўзлар” дейилади. Реалия сўзи латин тилидан олинган бўлиб, буюмга, нарсага оид деган маънони англатади. “Реалиялар асар тилининг ажралмас қисми бўлиб, улар ёрдамида муаллиф қаҳрамон образини яратади, халқнинг миллий хусусиятини тасвирлаб беради. Улар бадиий асарнинг миллий калоритини ифодалаб беради ва турли услубий вазифаларни бажаради, ходиса ва предметларнинг хусусиятини, ҳаққоний тўғри тасвирлашга ёрдам беради”¹ Шунинг учун ҳам реалиялар бадиий таржиманинг таржимонни қийнаб қуядиган, таржимани мураккаблаштирадиган, кўпинча уни чалғитадиган жиҳатларни келтириб чиқаради: Мисол учун: В.Раҳмоновнинг “Бобурнома” асари тадбилида кийимларга нисбатан берилган **тор тун, мўғулий бўрк, дастор** сўзлари - Ҳ.Даловнинг асарида ***schmal gesnittenen Mantel, mongolische Mütze, Turban*** деб таржима қилинган, **дасторпеч** сўзи эса албатта,

олмон халқи учун янги бўлган буюм *Diener* сўзи билан берилганлиги, бунга яққол мисол бўла олади. Келинг, бутун бир гапни солиштириб кўрамиз:

Киймакта ва емакта бетакаллуф эди, дасторини дасторпеч чирмар эди.
(В.Раҳмонов)

Er war nicht anspruchsvoll, was seine Kleidung und Ernährung anging. Ein ausgewählter Diener band seinen Turban. (Ҳ.Далов)

“Реалияларга миллий таомлар, кийим кечаклар, миллий чолғу-асбоблари, рўзгор анжомлари, номлар, тахаллуслар, лақаблар, шаҳар, қишлоқ хусусиятлари, меъморчилик, географик номлар, табиат манзаралари, ҳайвон ва ўсимликларнинг номлари, даража, унвон, табақа ва бошқа бўлинишларни ифодалочи сўзлар, муассасалар, ташкилотлар, диний маросимлар ва бошқа этногафик белгиларни билдирувчи сўз ва иборалар киради¹.

Албатта, таржима асарларни ўзга тилга таржима қилишда миллий калоритни етказиб бериш осон иш эмаслигини, таржимоннинг имконияти чегараланганлигини, иккала асарни ёнма-ён қуйиб қиёслаганда яна бир бор тушуниб олдим. Мисол учун:

Асарда Хўжанд шахрининг шамолини З.М.Бобур қуйидагича тасвирлайди: *Дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлуқуб, бир-бирини тополмай, “Ҳо, дарвеш”, “Ҳо, дарвеш”, дея-дея ҳалок бўлурлар, андин бери бў бодияни “Ҳодарвеш” дерлар* (В.Раҳмонов тадбили).

Man sagt, dass ethliche Derwische in dieser steppe vom starken Wind auseinandergetrieben, deshalb könnten sie einander nicht finden, obwohl sie mit Rufen: „Ha-Derwisch! Ha-Derwisch!“ bis zum Tode einer nach Anderen geschrien haben sollen. Seitdem nennt man diese Wüste Ha-Derwisch.
(Ҳ.Далов)

Аввал Юнусхон билан Андижоннинг шимол тарафида Сайхундарёсининг ёқсида, Такасекретку деган ерда, бу жиҳатдин ул мавзе бу исмга мавсумдиркум, тоғ доманаси жиҳатдин бу дарё андоқ тор оқарким, ривоят қилурларким, ул ердин така секригандур.
(В.Раҳмонов)

Die erste Schlacht fand gegen Yunus Khan am Ufer des Sayhuns nördlich von Andidjan statt. Dieser Ort wird „Bocksprung“ genannt, weil die Berge auf beiden Seiten des Flusses so nah zusammenstehen, dass, so sagt man, die Ziegenböcke hinüber- und herübergesprungen sein sollen.
(Ҳ. Далов)

Ана шундай табиий, ижтимоий, тарихий сабаблар тақозоси билан туғилган ҳамда ҳар бир халқнинг ўзига хос руҳий ҳаётини акс эттирувчи

(кўпинча хос сўзлар билан ифодалаган) тасаввур ва тушунчаларни бир тилдан бошқа тилга ўтказиш таржимондан ниҳоятда эҳтиёткорликни талаб қилади.

„Тарихий асарлардаги миллий ўзига хосликларни ва давр колоритини таржимада қайта яратилишини қуйидаги асосий йўналишларда кузатиш мумкин:

а) қаҳрамонларни ўраб турган ижтимоий моддий муҳит, предметлар дунёси, турмуш тарзининг ўзига хослигини ўзга тил китобхонига тўла англантиш орқали;

б) урф-одат, удумлар, маросимлар, эътиқод, ахлоқий ақидаларни қайта яратиш, билан;

в) асар қаҳрамонларининг психологияси, хатти-харакати, дунёқараши, нутқи,

портрети “нарсаларни тушуниш тарзи”ни тўла гавдалантириш орқали;

г) тасвирланган воқеалар, ҳодисалар, характерларда акс этган, уларга сингиб кетган давр колоритини тўла сақлаб қолиш орқали”¹

Асл манба матн таржимасидаги энг муҳим нарса – бу мазмуний ўхшашликдир. Унда таржима матн аслият матн билан бир хил мазмун касб этади деб ҳисобланади. Манба матн орқали узатилган маълумот билан таржима матн сифатида қабул қилинган маълумот ўртасида фарқ мавжудлиги тўлиқ маълумот алмашиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлади. Манба ва таржима матн ўртасидаги семантик бир хиллик маъно муқобилларининг турли даражаларига асосланади. Таржимон, одатда, асл манба матнга яқин бирликлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Чунки таржима амалиёти аслият матнни бошқа тилга кўчиришда содир бўладиган ҳаракатлар мажмуидир. Бунга ўз касбининг устаси бўлган, малакали ёки шу ишга туғма иқтидори бўлган таржимонларгина эришади.

Шоҳ таржима асарлар улкан сўз санъаткорлари саъй-ҳаракатлари ҳосиласи ўлароқ юзага келади. Таҳлилга тортилган воқеа-ҳодиса каби таржима ҳам бирор ҳодиса табиати, таркибий қисмлари ва уларнинг ички алоқаларини тушунишга қаратилган илмий машғулоти объекти бўла олади.

Таржима жараёнини ва шу жараён ҳосиласи бўлган асарларни назарий жиҳатдан ўрганиб бориш таржима назариясининг вазифасидир. Назарий изланиш – бу таржима нималигини аниқлаш, таржимон ички сезгилари асосини ташкил этувчи объектив омилларни топиш, манба ва унинг таржима матни коммуникатив қийматидаги ўхшашликларни намоён қилувчи йўл ва услубларни тасвирлашдир.

Таржима назарияси таржимонни таҳлил ва умумлаштириш учун зарур бўлган қоида, усул ҳамда воситалар билан таъминлайди, манба матнда нимани излаш кераклигини ўргатади, таржима қилинган матн қандай бўлиши ва таржимани қандай амалга оширишни тушунтиради. Энг муҳими, у таржимоннинг ҳунари, санъатига айланади. Таржима – лисоний, психологик,

маданий, адабий омилларни қамраб олган мураккаб ҳодиса. Таржиманинг турли кўринишлари тегишли фан усуллари ёрдамида ўрганилади. Ҳозирги кунгача тилшунослик тизимида таржима назариясига оид кўплаб ишлар қилинди. Лисоний таржима назарияси турли тилларда сўзлашувчи кишилар орасида мулоқот ўрнатувчи нутқ шакли бўлган таржима тури билан шуғулланади. Ушбу назариянинг асосларини макролингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика, матн тилшунослиги фанлари ўрганади. Мулоқот имконини берувчи тил эса инсоният фаолиятининг ажралмас қисмидир. Умуман олганда, таржима матн манба матн билан бир хил. Хос сўзларни таржима қилишда луғавий бирликларнинг ўзаро лексик мувофиқ келмаслиги кузатилади.

Қуйидаги гуруҳга кирувчи сўзларни лексик муқобили мавжуд бўлмаган турга киритиш мумкин:

- 1) кундалик ҳаётда ишлатиладиган хос сўзлар (дўппи, чопон, бешик);
- 2) атоқли отлар ва географик жой номлари;
- 3) табрик ва қутловлар;
- 4) газета ва журналлар номлари;
- 5) оғирлик ва узунлик ўлчов бирликлари ва ш. к.

Илмий адабиётларда бир миллатга хос нарса, буюм, воқеа-ҳодисаларнинг ёки, умуман, хорижий сўзларнинг ўзга тилларга кўчиб юриши биргина адабий алоқаларнинг, хусусан, таржиманинг ривожланишига боғлиқ эмас. Бу халқаро алоқаларнинг, сиёсий-тарихий, маданий воқеа-ҳодисаларнинг ўзга халқлар дунёқарашига таъсири билан ҳам боғлиқ. Ҳодисаларнинг ёки, умуман, хорижий сўзларнинг ўзга тилларга кўчиб юриши биргина адабий алоқаларнинг, хусусан, таржиманинг ривожланишига боғлиқ эмас. Бу халқаро алоқаларнинг, сиёсий-тарихий, маданий воқеа-ҳодисаларнинг ўзга халқлар дунёқарашига таъсири билан ҳам боғлиқ. Айнан шу туфайли, масалан, рус тили орқали ўзбек тилига сиёсат, дин, иқтисод ва илм-фанга оид кўплаб хорижий сўзлар сингиб кетган. Бу ўринда хорижий адабиётлар таржимаси орқали ўзбек китобхонларига, кўпинча, тушунарли бўлмаган кўплаб тушунчаларни ифодаловчи хос сўзлар кириб келаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хос сўзлар таржимасида, одатда, икки хил қийинчиликка дуч келинади:

- 1) аслият тилига хос сўзларга мос эквивалентнинг мавжуд эмаслиги;
- 2) аслият тилидаги хос сўзлар, мазкур халққа доир миллий, тарихий колоритни таржима қилинаётган тилда тўлалигича ифодалашнинг мураккаблиги.

Шу нуқтаи назардан, хос сўзлар таржимасида қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

1) байналминал характердаги хос сўзлар. Таржимада улар ўз шаклида бирлашиши мумкин;

2) фақат маълум бир ҳудуд ёки миллатга хос воқеа-ҳодисалар. Улар шу миллат турмуш тарзига хос тушунчаларнигина ифодалайди. Агар таржимон бундай ўзига хосликни тушунмай, уни бошқа маъно ифодаловчи сўз билан ўгириб қўйса, асарнинг миллий колорити, сўз ифодалаган маънонинг ўзига хослигига путур етказган бўлади. Бундай ҳолларда хос сўзлар хорижий тилдаги шаклда берилиб, изоҳи ҳаволада берилади.

3. Айрим хос сўзлар матн ичида ўзича қолдирилиб, контекстнинг ичида изоҳи келтирилади. Шундай қилиб, хос сўзларнинг таржимасида қуйидаги усуллар кўпроқ кузатилади:

- 1) транскрипция;
- 2) транслитерация;
- 3) таржима орқали янги сўз – неологизм ҳосил қилиш;
- 4) сўзма-сўз (калька) таржима қилиш;
- 5) маъноси яқинлаштирилган сўз билан ўгириш;
- 6) хос сўзни изоҳлаб баён қилиш;
- 7) контекстуал муқобил билан алмаштириш.

Аслият тилининг ўзига хослигини, ундаги гўзал ва бетакрор жараёнларни таржимада акс эттириш – ҳар бир таржимон олдида турган вазифа. Бадиий матн таржимони бу ҳодиса билан чамбарчас боғлиқ. Стилистик бўёқдорликни акс эттириш таржимондан ўзига хос маҳоратни талаб этади. Бунда, албатта, прагматиканинг ҳам роли катта. Таржиманинг стилистик муаммолари таржимондан бадиий адабиётнинг қайта яратилишида муаллиф услубини сақлаш, ўзга маданиятга оид асар таржимасида услуб, шакл ва маънони бериш, асар қаҳрамонининг шахсини очиб беришда стилистик бўёқдор сўзлар таржимаси каби масалаларни бартараф этишни кўзда тутати.

Транскрипция и транслитерация усуллари. Транскрипцияда хорижий сўзнинг талаффуз шакли, транслитерацияда эса унинг график шакли қайта тикланади. Аслият ва таржима тилларининг фонетик тизимларидаги тафовутлар кўпроқ транскрипция усулидан фойдаланишга олиб келади. Таҳлилда даставвал миллий колоритни акс эттирувчи лисоний бирлик вазифасини ўтовчи реалаялар, яъни хос сўзлар ўгирмаси ўзига эътибор қаратади. Ўз тилида қ ҳарфи бўлсада бунга монанд ўзбекча жарангдаги қ товуши йўқлигига қарамай немисзабон Штаммлер ўзбекона қ, х каби товушли исмларни айнан ўзиникидай қайта тиклаган ҳолда транслитерация қилган, мас. *Qul Muhammad, Behzad* кабилар.

Чунончи киши номлари имлосида, масалан аслиятдаги битта сўздан иборат исмлар таржимасида транслитерация қоидаси бузилиши, мас. *Алишербек, Умаршайх, Маҳмудхон, Худойберди, Қутлуғ Нигорхоним* каби антропонимлар

Stammler таржимасида *Ali Shir Beg, Umar Sheykh, Mahmud Khan, Khuday-Berdi, Qutluq Nigar Khanim* каби киши номлари ўғирмасида транслитерацион номуқобилликлар кўп учрайди. Бу каби кусурлар Далов таржимасида аслиятга анча яқинроқ ўтирилган.

Устозимиз профессор Х Рахимов “Номларнинг номуносиб таржимаси” “Ёшлик” журналидаги мақоласида қуйидаги фикрни билдирган эди:

Ҳар қандай таржима аслият тилини билмайдиганлар учун мўлжалланади. Аммо аксарият ўзбек китобхонлари фақат ўзбекчанигина ўқийдиган китобхонлар эмас. Шундай экан, асарни аслиятга иложи борича яқинлаштириш масъулияти таржимоннинг эсида туриши керак.

“Бобурнома” асарида ўрта асрда яшаган подшоҳлар, (ва уларнинг хотинлари, авлодлари, аждодлари) шоирлар, олимлар, тарихчилар, рассомлар, устозлар ва дин арбоблари ҳақида маълумотлар жуда кўп. Бу тарихий шахсларнинг характери, эътиқоди, қизиқишлари ва шунга ўхшаш барча яхши-ёмон хислатлари ҳақида маълумотлар берилган. Юқоридаги мисолларга аниқлик киритиш мақсадида биз уларни аслият ва немис тилидаги исмлар билан қиёсладик ва натижада шундай манзара юзага келди:

Аслият	Х.Далов	В.Штамлер
Заҳриддин Муҳаммад Бобур	Sahiriddin Muhammed Babur	Zahiruddun Muhammad Babur
Темурбек	Timur Beg	Timür Beg
Чингизхон	Tschingiskhan	Dchingis Khan
Умаршайх	Omer Scheyk	Umar Schayk
Бойсунғур Мирзо	Baysunghar Mirja	Baysunghar irza
Шайбонийхон	Scheybani Khan	Scheybani Khan
Султон Маҳмуд	Sultan Mahmud Khan	
Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор	Kodja Ubayd Allah Akhrar	
Олачахон	Alatscha Khan	
Шайх Муслиҳиддин	Scheyk Maslahat	
Хўжа Камол	Khodja Kamal	
Юнусхон	Yunus Khan	
Чифатойхон	Tschaghatay Khan	
Хўжа Убайдулла Аҳрор	Khodja Ubayd Allah Akhrar	
Mironshoh	Miran Schah	
Шохрух Мирзо	Schahrukh Mirza	
Жаҳонгир Мирзо	Jehangir Mirza	
Худойберди Туғчи	Khuday Berdi Tughtschi	
Хонзодабегим	Khanzade Bikim	
Хуррамшоҳ	Khurram Schah	

Муҳаммадий Кўкалдош	Muhammed Kökeltasch
Меҳрбонубегим	Michr Banu Bikim
Носир Мирзо	Nasir Mirza
Шахрибонубегим	Schahr Banu Bikim
Ёдгор Султонбегим	Yadghar Sultan Bikim
Оға Султонбегим	Agha Sultan Bikim
Руқия Султонбегим	Rukha Sultan Bikim
Махдум Султонбегим	Mahum Sultam Bikim
Қорақўзбегим	Qoraköz Bikim
Эсан Давлатбегим	Esan Davlat Begim Isen Davlat Bikim
Абдулатиф Султон	Abdal Latif Sultan
Жонибек Султон	Jani Beg Sultan

Бизга маълумки, Бобурнома асари реалиялар хазинасидир.

“Бобурнома” асарида Сирдарёга шундай таъриф берилади:

Сайхун дарёсиким Хўжанд суйига машҳурдир, шарқ ва шимол тарафидин келуб, вилоятнинг чи бирла ўтуб, гарб сори оқар, Хўжанднинг шимоли ва Фанокатинг жанубий тарафидинким, холо Шохрухияга машҳурдур, ўтуб яна шимолга майл қилиб Туркистон сори борур. Туркистондин хейлироқ бу дарё қумга сингар, ҳеч дарёга қотулмас.

Немис тилига ўгирилишини кузатамиз:

Der Fluss Sayhun, bekannt unter dem Namen „Wasser von Khodjend“ erreicht Ferghana von nordöstlicher Seite. Er teilt das Land und fließt weiter nach Westen, nördlich an Khodjend und südlich an Finaket vorbei, das nun Schahrukhiya heißt, dann wendet er nach Norden in Richtung Turkistan, wo er unterhalb der Stadt, ohne in irgendeinen Fluss einzumünden, im Wüstensand versickert.

Бу ҳақда инглиз тарихчиси Элфинистон “Бобурнома” ва унинг муаллифи ҳақида шундай деган:

“Унинг шахсий ҳис-туйғулари ҳар қандай муболағадан ёки пардалашдан холи, услуби оддий ва мардона, шу билан бирга жонли ва ифодали. Ўз замондошлари биографиясини, уларнинг қиёфалари, урф-одатлари, интилишлари, қизиқиш ва қилиқлари кўзгуда акс этгандек, равшан тасвирлайди. Бу жиҳатдан “Бобурнома Ўрта Осиёдаги ягона чинакам тарихий тасвир намунасидир”.

Ҳақиқатдан ҳам, асарда замондошлари биографиясини батафсил тасвирлаш билан биргаликда уларнинг устунлик тамонлари ёки заиф тамонлари ҳам берилганки, Ҳ. Даловнинг таржималаридаги изоҳлар бунга яққол мисол бўлади:

¹ Gulbadam Begim war zur damaligen Zeit in der moslemischen Welt eine gebildete Frau. Sie hat das Buch „Humayun-name“ verfasst.

² Abu'ul-Fath Muhammed Scheybany Khan (*1451-1510) war ein Khan de Özbeken und der begründer ihres Staates in Mittelasiien.

²Nisomiddin Mir Alischer Navoi (1441-1501) war der Gründer der osttürkischen, heute usbekischen klassischen Literatur und wird in Usbekistan als Nationaldichter verehrt.

³Tschingis- Khan (1155-1227) war der Begründer des mongolischen Weltreicher.

Юқорида В.Раҳмоновнинг тамонидан тадбил қилинган “Бобурнома ” асарини француз тилидан немис тилига таржима қилган Волфганг Штаммлер ва рус тилидан немис тилига таржима қилган Ҳамид Далов асарлари билан қиёслаганимда, воситачи тил орқали ўғирилган асарлар таржимасида кўзга ташланадиган хато ва камчиликларнинг кўпчилиги воситачи таржималар туфайли содир этилганлигини тушунмоқдамиз. Оддийгина юқорида кўрсатилган исмлар жадвалига қараб кўпгина шахс номлари, табиат тасвирлари, манзаралар, дарёлар ва тоғлар, ўсимликлар ва дарахтлар, воқеа- ҳодисалар Штаммлернинг немисча таржимасида берилмаган. (ёки асарнинг французча таржимасида ҳам қайд этилмаган)

Таржимонлари ёдда тутиши керакки, уларнинг таржималари нафақат ўз тилида бадий асар мутолаа қиладиган китобхонлар, балки ўз мухлисларини мазкур таржима асарлар билан таржималар воситасида таништирадиган ўзга халқлар китобхонларига ҳам мўлжалланади. Ҳаттоки, бугунги кунда ҳам унитилаёзган “дарвеш” сўзи Ҳ. Даловнинг изоҳисиз немис тили муштарийлари учун “тиланчи” ёки бир исм сифатида намоён бўлар эди.

Derwisch, wörtlich Bettler, Angehöriger des Derwisch-Ordens, dessen Lehren und Anschauungen auf der islamischen Mystik, dem Sufismus, beruhen.

Биз, тақрор айтганимиз каби, бир тилдаги исм-шарифлар ва жой номлари иккинчи тилга асосан икки усулда: транскрипция (қай тарзда талаффуз қилиниши) ва транслитерация (ўз тилида қандай ёзилса) чет тилига ўғирилади. Унда аслиятга яқин шакл ва оҳангда ўтишида таржимоннинг маҳоратига кўп нарса боғлиқ бўлиб қолади. Бунда ўзбек тилидаги сўзлар адекват (муқобил) тарзда кўчирилиб, тилнинг товуш тизими, алифбоси, имло қонуниятларига мос келадиган ҳолатда қайта тикланади. Муоммо шундаки, дунёда бир-бирига тўлиғича мос келадиган иккита тил йўқ.

Мисол учун “ғ” ҳарфи немис тилида йўқ бўлганлиги сабабли, Чиғатойхон, Оға Султонбегим исмлари немис тилига Tschaghatay Khan, Agha Sulton Bikim, Bazsunghar Mirza каби муқобили танланган. Лекин яна шундай исмлар борки,

Худойберди Туғчи	Khuday Berdi Tughtschi
Хонзодабегим	Khanzade Bikim
Хуррамшоҳ	Khurram Schah

Юқорида айтилган фикрлар масаланинг бир тамони ҳисобланса, иккинчи тамони эса, исмларнинг имлоси ва талаффузида миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш вазифаси туради. Юқорида айтилган фикрлар масаланинг асосан бир тамони, яъни исмларнинг имлоси ва талаффузида миллий ўзига хосликни сақлаб қолишига тегишли. Бу шунчаки оддий масала эмас, чунки имло ва талаффузнинг бузилиши исмлар маъно ва мазмунига ҳам путур еткази. Чунки шакл ва мазмуннинг ўзаро диалектик алоқадорлиги исмлар ва уларнинг таржимасидаги қонуниятларни намоён қилади.

Бевосита таржима масалалари илмий муаммо сифатида олимлар томонидан ҳал қилинаётган экан, бу, албатта, қилинажак таржималар сифатининг борган сари яхшиланишига замин ҳозирлайди. Бундай таржимани билвосита таржимага қарши қўйган ҳолда, уни узлуксиз тарзда ташвиқот қилиб бориш зарур.

Масаланинг юридик тамони ҳам борки, ўз исм-фамилияси ёрдамида кишилартурли хил юридик ва ижтимоий муносабатларда муомалада бўладилар. Лекин ижтимоий муносабатларнинг шундай жабҳалари борки, исм ва фамилиялар алоҳида қонунлар билан ҳимояланади. Илмий ва бадиий адабиёт вакиллари, санъат намоёндалари, ихтирочилар, исм-фамилиялари ана шундай номлардан ҳисобланади. Уларнинг номини ўз тилида ҳам, бошқа тилда ҳам бузиб айтиб бўлмайди.

Зеро тилшунос олим Ғ. Саломовнинг “Таржима назариясига кириш” асарида ҳам таржима асарларнинг даврига оид қуйидаги фикр баён қилинган. *“Ҳар бир таржима асари — ўз даврининг маҳсулидир. Айтайлик, юз йил олдин муайян бир бадиий асарнинг ўзбек тилига қилинган таржимаси билан унинг кейинги даврларда бунёд этилган таржималари бир-бири билан қийёсланса, бундан турли даврларда яшаган таржимонларнинг асар муаллифини тушуниш даражаси, уларнинг маҳорати ўртасида кўзга яққол ташланадиган тафовутнигина эмас, балки адабий тилнинг турли даврларда ҳар хил камолот даражасида бўлганлигини ҳам кўриш мумкин”.*